

КУЗГИ БУГДОЙ НАВЛАРИДАН ЮКОРИ ХОСИЛ ОЛИШ,

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17373579>

Б.Ф.Н Бабахан Алланазаров

Самарканд давлат ветеринария медитсинаси, чорвачилик ва биотехнологиялари университети Нукус филиали талабаси;

Нуратдынова Улдай

Пердебаева З.

Аннотация

Гратция навининг бошоғи узунрок бўлиб, битта бошок доннинг оғирлиги ва ҳосилдорлиги юкори эканлиги бу юкоридаги навларга хар бир гектар майдонга 25 – 30 тонна органик угит ва маъдан ўгитлар нормаси N200.P120.K.90 кг атрофида берилса, туғри агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилса 100 ц/га ортик дон ҳосил олиш мумқунлиги тажриба натижалари асосида аниқланди,

Калит сўзлар

Сифати , дон ҳосили , органик ўгит, Маъдан ўгит , тупланиш ,найчалош,суғориш ,суспензия , микроэлемент ,

КИРИШ Ҳозирги пайтда дунё бўйича аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш иқтисодий ижтимоий ва сиёсий муаммога айланди.Бу экин майдонларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўллашни таъқоза этмоқда. Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2030 йилларда ривожлантиришнинг устувор юналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хужалигида муҳим вазифалардан биринчиси экин майдонлари ва экинлар тартибини оптималлаштириш илғор агротехнологияни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш энг устувор масала экинлигини таъкидлаб ўтди.

Шу бойс шўрланган ерлар унумдорлигини оширишда суғориш тамойиллари ва қўлланилаётган маъдан ўгитлардан самарали фойдаланиш кузги бугдойдан юкори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уни мақбул органик ва маъдан угитлар билан озуклантириш меъёрлари ҳамда асосий ишлаб бериш усуллари ишлаб чиқариш ва фермер хўжаликларида жорий этиш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифасига айланмоқда.Коракалпокистон Республикамизда ва Хоразм вилоятида тупроқларнинг унумдорлигини ошириш ва бундай ерларда етиштирилаётган

кузги буғдойдан юкори ва сифатли дон хосили етиштиришда органик ва маъдан ўғитларнинг тутган ўрни бекиёсдир. Чунки кузги буғдой ўсув даврининг 4-6 ҳафтасида жуда талабчан бўлиб ўғитни жадал ўзлаштиради шунингдек ўсимликларнинг барча ривожланиш даврларда ҳам зарур. Кузги буғдойни фосфор билан меъёрида таъминланиши азотни яхши ўзлаштиришини таъминлайди илдиз тизимини ривожланиши ва генератив органларнинг шаклланиши тезлаштиради ҳамда ўсимликни қишга ва қурғоқчиликка чидамлигини оширади.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР: Кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида 2022-2024 йиллар Ташкент Давлат аграр Университетининг Нукус филиалидаги тажриба майдони даласида ўғитлашнинг ҳар хил меъёрларини табақалаштириб қўллаш усулини кузги буғдойнинг ҳар-хил урта пишар навларининг ўсиши ривожланиши дон хосили ва сифатига таъсирини аниқлаш мақсадида дала тажрибалари олиб бордик. Дала тажрибалари 4-такрорлашда ўтказилиб вариантлар тизимли равишда бир ярусда жойлаштирилади. Ҳар бир пайкалчанинг умумий майдони 480 м² шундан ҳисобга олингани 240 м². Минерал ўғитлар кўйидагича қўлланилди фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёрини 80% шудгор остига қолган 20 % ўғитларни экиш билан бир вақтда калийнинг йиллик меъёри шудгор остига азотли ўғитларнинг йиллик меъёри тенг иккига бўлиниб ўсимликнинг ривожланиш даврида (тупланиш даврида найчалаш). Тажираба даласида минерал ўғитлардан аммиакли селитра (N-34.6 %) нитрокальцийфосфат (НКФ –А марка) таркибида (N-6 % P₂O₅-16% Сао-14 %) ва хлорли калий (K₂O-58-60%) қўлланилади.

НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ

Лаборатория шароитида дон уругининг унвчанлиги 95 фоиздан юкори уруглар сараланиб экишга таёрланди ва 1м² майдонга уртача 500 дона уруг таъминланиб 5-6 см чуқурликга экилди, Дархол суғориш ишларини ташкил этиб сув танқислигини ҳисобга олиб даланинг 50-60 метрдан ўқариқ олиб шарбат билан суғориш энг самарали усулдан фойданилди. Бунда дала қанчалик катта ва узун бўлмасин даланинг барча қисмида бир текисда нам сақланиб тўлиқ нихол олиш имконини яратади. Аксинча ўқариқлар олинмаса дала бошида ер қучли захлаб кетиб дала охирида сув қўллаиди. натижада даланинг ўртасида нихоллар сийрак ўниб чиқиб ноябрь ойининг ўрталарида нихолларда сарғайиш аломатлари пайдо бўлади. Далада нихолнинг бир текис олинмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир қилади. Биринчи сувдан кейин 7-8 кунда нихол тўлиқ униб чиқмаса зудлик

билан такрорий суғоришни ташкил этилди. Республикамизни шимолий минтақаларининг тупроқларни мелоратив ҳолатини, тупроқ ва иқлим шароитини яхшилаб ўрганиш, суғориладиган ерларда кузги бўғдой етиштиришда тупроқни унумдорлигини ошириш, алмашлаб екишни жорий қилиш, сувни тежаб янги агротехника тадбирларни ишлаб чиқиш ҳозирги замон

талабидир. Тажриба натижалари шуни курсатадики Кузлик бўғдоининг униб чиқиши Гром ва Гратция навида юкорирок еканлиги, органик ва менириал угит ҳам таъсири борлиги юкори нормада берилган вариантларда унувчанлиги 3-5 % юкори еканлиги аникланди. **Жадбал №1**

Усимликларниг тупланиш фазаларида навлар буйича кузатиғанда Гратция навида туплар сони куплиги органик ва маъдан ўғитлар тупланиш фазсига таъсир этиб туплар сони 1-2 дона куплиги Гратция навида аникланди. Киш фаслида ҳам кузатишлар олиб борилган Коракалогистон ва

Вар	Орган гит	Угитла ормаси	Новлар	Екишда 4 кундан инги чанлик	Бир аги аниш	Усимлик ндлиги		
						15март	15апре	15май
1	15 т\га	N150 P75 K50	Таня	80,1	4,9	22,1	54,5	91,2
2			Гром	84,3	5,0	21,7	54,1	88,9
3			гратция	84,3	5,2	23,6	58,1	98,4
4		200 P120 K90	Таня	83,9	5,1	22,9	58,0	93,1
5			Гром	84,9	5,3	22,0	56,3	92,0
6			гратция	85,2	5,6	24,1	61,4	99,6
7	30 т\га	N150 P75 K50	Таня	83,9	5,3	23,6	58,6	93,8
8			Гром	85,1	5,5	23,1	57,8	92,5
9			гратция	85,3	5,5	24,8	61,9	100,9
10		200 P120 K90	Таня	84,2	5,5	23,9	59,1	94,1
11			Гром	85,7	5,6	23,8	58,2	93,0
12			гратция	86,1	5,9	25,7	62,7	102,6
3	Кантрол			79, 5	2,6	1 2	3 0,6	51, 4

Хоразим вилоятларида шурланган тупрокларга ушбу нав бизнинг шароитга мослиги кузатилади.

Март ойининг 15 кунидан 15 май ойигача поя узунлиги ва усимликнинг усиш ривожланиш жараенлари Гром ва Гратция навларида юкори эканлиги пояси 10-12 см узунлиги тажриба натижалари асосида аникланди

Жадбал №2

Вариант	Организация	Угит	Новлар	Бошокл	Толик	Бошок	Бир	Битта	Хосил
		аси		санаси	иш	лиги	окдаги	окдаги	ик
							инг сони	инг тиги	
1	15т/га	N150 P75 K50	Таня	25,04	26,05	10,2	42,3	1,67	66,3
2			Гром	25,04	27,05	9,7	41,6	1,62	63,4
3			Гратци	27,04	27,05	10,3	43,1	1,71	70,1
4		200 P120 K90	Таня	26,04	27,05	10,3	42,9	1,68	69,6
5			Гром	26,04	27,05	10,1	42,7	1,64	67,3
6			Гратци	27,04	28,05	11,0	42,0	1,72	75,8
7	30 т\га	N150 P75 K50	Таня	26,04	29,05	10,9	43,3	1,69	72,1
8			Гром	27,04	29,05	10,5	43,3	1,66	71,7
9			гратци	28,04	30,05	11,6	42,9	1,73	79,3
10			Таня	26,04	30,05	11,8	44,2	1,70	74,6
11			Гром	27,04	30,01	11,0	44,0	1,67	73,9
12			гратци	28,04	1,06	12,3	45,6	1,75	81,4
13	Кантро			24,04	24,0	5,2	11,3	0,36	12,3

Пишиш давридаги кузатишлар шуни курсатадики Таня нави Гром ва Гратция навларига нисбатан бошоғи тез пишиб улар орасида фарклар 3 – 4 кун ташкил килди. Буғдойнинг бошок узунлигини устида кузатишлар

ўтказилганда Гратция навининг бошоғи узунрок булиб, битта бошокдаги дони ва уннинг оғирлиги ва хосилдорлиги юкори эканлиги тадқиқот натижалари асосида аниқланди, Тажриба натижаси хар бир гектар майдонга 25 – 30 тона органик ўғит, ва минерал ўғитлар нормаси N200.P120.K.90 кг атрофида берилса тугри агротехник тадбирлар уз вақтида ўтказилса 90-100 ц/га дон хосил олиш мумкинлиги тажриба натижалари асосида аниқланди,

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1Тупроққа қанча кўп микдорда маҳаллий гўнг солинса, шунча кўп углерод ажралиб чиқиб, ўсимликни ҳаводан озикланиш жараёнини тезлашиб қурғоқчиликка бўлган чидамлигини оширади, Маҳаллий ўғитларнинг асосий қисмини қорамол гўнги ташкил қилиб таркибидаги азот (0,4-3,0%) фосфор (0,2-0,6%) ва калийдан (0,5-3,0%) ташқари, микроэлементлар (бўр, марганец, кобальт, мис, рух ва бошқалар), ҳамда углерод бўлгани учун ҳам қимматли ўғит ҳисобига дон хосили 7-10 ц/га ошди ,

2Ўсимликларнинг тулланиш фазаларида навлар буйича кузатиғанида Гратция навида туллар сони қўплиги органик ва минерал ўғитлар тулланиш фазасига таъсир этиб туллар сони 1-2 дона қўплиги аниқланди. Киш фаслида ҳам кузатишлар олиб борилганда Қорақалогистон ва Хоразим вилоятларида шўрланган тупроқларга ушбу нав бизнинг шароитга мойилиги кузатилди

3.Бунда хар гектарига 30-40 тонна гўнг соф ҳолда ўртача 200 кг азотли 120 кг фосфорли 90 кг калийли ўғитларни муддатида кўллаш тавсия этилади.Кўлланиладиган 1 кг NPK ҳисобига 7-8 кг дон олинади.Галладан озуклантиришда фосфорли калийли ўғитлар кўлланилмасдан фақат азот ўғитлари ишлатилса бўғдойнинг ўсув даври чузилиб кетади,дон сифати пасаяди ўсимлик баргларида кўп микдорда қанд ва крахмал тулланиб бошокқа ўтмайди баргларидаги физиологик жараёнлар жуда секинлиги боис касалликлар купаяди ва ўсимлик заифлашади баргларида доғлар пайдо бўлади сўнгра бўжмайиб қуришгача боради оқибатда илдиизи кўпроқ зарар кўради.

АДАБИЕТЛАР:

1. Бабахан Алланазаров . Бугдой етиштириш ва сомонга ишлов бериш технологияси Нукус 2024

2,И Ҳолимоб М Саттаров. Янги бўғдой навларидан юкори ҳрсил олиш усуллари.2001-йил Ўзбекистон аграр фани хабарномаси 2001-йил №1

3В Гостюхин . Влияние сроков пиеницы на поивные и урожайные качества сеян.Журнал сельское хозяйства узбекистана 2001г №1

4Дала тажрибаларини ўтказиш усуллари Тошкент ЎзПИТИ 2007-147б.

5Р.Сиддиқов майса парваришда декабрь ойида нималарга эътибор бериш керак.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2018 №12 10 бет

6Ю.Р.Сиддиқов ва бошқалар “Галлакор ишга-киришди” Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2017-йил №9 21-22 бет.